Ш.Д.Эргашходжаева,
иқтисод фанлари доктори, доцент,
А.Н.Самадов,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охирги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, 2010 йилнинг 7 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусидаги маърузасида 2011 йилни мамлакатимизда **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди[1].

Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл

[1] Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш. Маълумки, охирги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш. Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар туғдирмоқда. Шу борада 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолади.

Тўртинчидан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредит бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратиш лозим.

Олтинчидан, саноат соҳасида юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш зарур.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб; **“... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим роль ўйнашини, албатта, чуқур англаймиз”**[2], - деб таъкидлаши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни янги босқичларга кўтаришни назарда тутади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

2009 йилда мамлакатимизда жами 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 400 минги кичик бизнес соҳасига тўғри келган. 2010 йилда эса 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши, минг киши

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	661	940,5	950
шу жумладан:			
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	374,3	391,8	600
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,2	74,3

Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари фермер хўжаликлари билан бирга ҳисоблаганда 600 минг кишидан ортиқни ёки 65 фоизни ташкил этди. 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий

[2] Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.// Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,3 фоизи фаолият кўрсатди(1-расм). Бу эса кичик бизнес соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 74,3 фоизга етди ёки 2000 йилга нисбатан 24,6 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 21,5 фоизга ўсди(2-расм).



2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 95,7 фоиздан 97,9 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 50,5 фоизга, юк ташишида 24,6 фоиздан 40 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24 фоиздан 30 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6 фоиздан 13,6 фоизга қадар ошди(2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг 2005-2010 йиллардаги ўсиш динамикаси, фоизда

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9	19,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9	97,9
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	30,8
Қурилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	41,6	52,3

2-жадвал давоми

1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	46,3	50,5
Хизмат кўрсатиш	52,5	50,8	50,1	48,5	47,6	47,7
Юк ташиш	24,6	27,2	34,7	38,9	39,5	40,0
Йўловчилар ташиш	65,7	69,4	75,7	78,5	78,9	78,9
Бандлик	64,8	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3
Экспорт	6,0	10,7	14,8	12,4	14,6	13,6
Импорт	33,7	34,5	32,0	35,7	42,5	36,6

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткични 6 фоизга тушириш мўлжалланган (3-расм).

3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 6 фоизга ёки 6,3 мартага қисқарган.

Келгусида тармоқ йўналишларига кўра кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;



3-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

- 2012 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан; ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам кучайтирилди. Хусусан, 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1851,7 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 2690,2 млрд. сўмни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори.

4-расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори 2001-2010 йиллар мобайнида деярли 20 мартага ўсган.

2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробарга кўпайтириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли **“2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”**ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;
- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан кредитлар ажратилди. 2010 йилда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 146 млн. доллар ҳажмда кредитлар жалб этилди(5-расм).



5-расм. Халқаро молия институтлари томонидан ажратилган кредитлар миқдори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438 сонли қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 млн.долларни, 2015 йилга бориб эса 155 млн.долларни ташкил этиши мўлжалланган (6-расм).



6-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги улуши 2010 йилда 13,6 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 3,4 фоизга ошган (7-расм).



7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши, фоизда.

2010 йилда кичик бизнеснинг экспорт ҳажми 1723,6 миллион АҚШ долларига етди. Уларнинг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электр техникаси ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** Давлат дастурининг самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига халал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;
- ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;
- ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.